Ортиқча ишлатилган азот ўғитлари кучли вегетатив ривожланишга сабаб бўлади, репродуктив органлари етилиши секинлаштиради. Натижада махсулот қисқа вақт сақлани, исроф миқдори сезиларли купаяди. Калит ўғитлари аксинча, барларда ассимияторларни жамғарма органлари ўтишини ва юқори молекуляр брикмалар, жумладан, клетчатка ва унга мансуб брикмалар биосинтезни кучайтиради. Ўсимликларни калий ва фосфор билан етарли таъминлаш сабзавот ва мевалар етилишининг жадаллаштиришга олиб келади.

Маъданли ўғитларнинг қарам ҳосилдорлиги, кимёвий таркиби ва сақланувчанлиги таъсирини ўрганиш эътиборга лойиқдир. Қарам азотли ўғит билан озиклантирилганда, сақлаш давридаги нуқтали пекроз билан таъсирланишига аниқланиб, ундаги баргларга майда нуқта кўринишидаги доғлар пайдо бўлади. Бундай қарамнинг озик-овқат қиймати тушмайди, лекин уни сотиш қийин бўлади. Азотли ўғитларни кўп миқдорда қўллаш, нафақат сабзавот ва меваларнинг сақланувчанлигига сусайтиради, уларнинг қайта ишлашдаги технологик сифат кўрсаткичларини ёмонлаштиради. Картошка етиштиришда юқори даражада азот билан озиклантириш ҳосил миқдорини ошириш мумкин, аммо туганакларда крахмал миқдори камаяди.

Олма боғларнинг намлик ва суғориш етарли даражадаги минтақаларда қатор орасини ўтсимон ўсимликлар билан эгаллаш мевалар

сақланувчанлигини оширишга сабаб бўлади. Қатор орасидаги кўкатлар қатлами тупроқдаги намлик ва азот захирасини сарфлайди ҳамда мевалар етилишини жадаллаштиради. Бир тундан олинган олмаларда С витамини миқдорининг ёруғликка боғлиқлиги кўрсатилган: яхши ёритилган жанубий қисмларда шимолий соя тамонга қараганда С витамини миқдори кўп.

Узум тиними юқори танали шаклда ўстиришда шингиллар яхши ёритилган шароитда жойлашганлиги сабабли паст таноли шаклга қараганда юқори сифатли узум олинади. Масалан, уларнинг қанд миқдори 1-2 фоиз бўлиши мумкин. Сабзавот ва меваларнинг кейинги сақланувчанлигига йиғим-теримда тўғри ташкил этиш катта таъсир этади. Серсув объектларга кўллаб механик шикастлар йетказилиши уларнинг гостандарт бўлиб, унинг транспорт ва сақлаш муддати камайишига сабаб бўлади.

Шунинг учун сабзавот ва мевалар айниқса, хосилни узоқ муддатга мўлжаллаб йиғишга механик шикастланишига йўл қўймаслик учун барча чораларни кўриш керак. Бу вазифани хал этишни йўлларида бириконтейнерларни кенг қўллаш бўлиб, далада тўлдирилганда сотилгунча қадар маҳсулот бир маромда сақланади.

Сақлаш шароитлари Сабзавот ва меваларнинг сақланувчанлиги нафақат нав таъбiiй хусусиялари, балки кучли даражада сақлаш шароити билан белгиланади. Шунинг учун сабзавот ва меваларни сақлаш шароити чегараларини белгилашга қуйидаги талабларга амал қилиш керак:

- 1) Моддалар алмашилишида биокимёвий моддалар жадаллигини минимал даражаси тушириш зарур, чунки физиологик бузилишга сабаб бўлмасин;
- 2) Сақлаш объектларида кам буғланишини максимал чеклаш;
- 3) Фитопотоген микроорганизмлар ривожланиши йўқотиш сабзавот ва меваларни сақлашда асосий ташқи шароитлар харорат, намлик. Ва газ мухити таркиби ҳисобланади. Ундан ташқари, амалиётга сақланаётган объектларда ишлов беришда ўсишини бошқарувчи физиологик моддалар ва хар-хил турдаги нурланишдан фойдаланилади. Харорат хароратнинг тушинишини моддалар алмашинувиги биокимёвий жараёнлар жадаллиги пасайиши, шунингдек, фитопотоген микроорганизмлар ривожланишини сусаяди. Билан боғлаш мумкин. Шунинг учун сунъий совитиладиган омборхоналар қуриши сабзавот ва меваларни узоқ сақлаш муаммоларнинг хал этувдаги асосий омил ҳисобланади. Сақланадиган сабзавот ва меваларга хароратининг таъсири Вант-Гофф қондасига бўйсунди. Бунда ҳарорат 100 С га туширилса, кимёвий реакциялар тезлиги икки мартаба секинлашади. Биринчидан, маҳсулотнинг музлашига йўл қўймаслик керак,

Чункибу холда тўқималар тузилиши бузилади.Хужайра шакли ўзгаради. Ва хосил бўлган муз бўлакчалари таъсирида парчланади, яъни сувли тўқималар уланади. Музлаган сабзавот ва мевалар эригандан сўнг, улардан шарбат оқиб фитопотоген микроорганизмлар томонидан йенгил зарарланади.Аммо

сабзаво ва меваларнинг тирик тўқималари қаршилик иммунитетига эга. Сабзаво ва мевалар маълум вақтгача ортиқча совитилган ҳолда сақланади. Аммо ортиқча совитилган ҳолат бир-хилда кечмайди. Кейинги ҳарорат пасайиши ҳозирги совитгичларга рўй бериш эҳтимоли бор. Шунингдек механик таъсирланишига ва қисқа вақт давомида хужайралар ичида. Ва оралиғида муз бўлаклари юзага келади. Муз бўлақларининг тез пайдо бўлиши иссиқлик ажралиши ва ҳарорат кўтарилиши билан биргаликда кузатилади. Баъзи меваларни тур ва навлари ҳолатини пасайишига юқори даражада сезгир бўлади. Ҳароратга сезгирлик биринчи навбатда жанубий тур ва навларда намоён бўлади. Уларни паст ҳароратларда сақлашда ҳар хил кўринишдаги физиологик бузилишлар пўст остидаги алоҳида тўқима қисмларида, шунингдек, мева ичидаги каргичим тўқималар қорайиши, мевалар, сатхини катта қисмларида (совуқ қийиш) қорайиш, бўртиш пўст парчаланиши ва бошқалар кузатилади. Физиологик бузилишлар банан, цитрус мевалари, кўпчилик нон ва бир қатор олма навлаи, памидор картошкага таълуқлидир. Айни шу пайтда музлаш нуқтасига яқин ҳароратда яхши сақланадиган сабзавот ва мева навлари бор, баъзилари эса ундан ҳам қуйи, яъни музлаган ҳолатда (карам, пиёз,) ҳам сақланиши мумкин. Аммо музлаш нуқтасига яқин шароитдаги ҳароратда сақлашга ҳароратни аниқ ушлаш, маҳсулотни ишончли назорат қилишига жавобгар шахсдан маъсулият талаб қилади.

Сабзавот ва меваларни совитгичларга сақлашда совитиш суръати катта аҳамиятга эга. Бу ерда маҳсулотни (5-30 кун давомида ҳар-хил турлар учун ) аста-секин совитиш умумий қоида ҳисобланади. Сабзавот ва мевалар бундан тирик объектлар тариқасида маълум даражада паст ҳароратга мослашиб боради. Хаддан ташқари, кескин совитиш шикастларининг кўпайишига сабаб бўлади. Худди шундай сабзавот ва меваларнинг ивитиш суръати ҳам аста-секин амалга оширилиши керак. Акс ҳолда физиологик бузилишлар рўй бериб, фитопотоген микроорганизмлар маҳсулотга таъсирини кучайтиради. Сабзавот ва мевалар ҳароратга бўлган муносабатига қараб уч гуруҳга бўлинади:

1. Паст ҳолатда яхши сақланадиган (музлатиш нуқтасидан юқори ёки паст пиёз, саримсоқ, карам) сабзавотлар
2. Ҳарорат  $0^{\circ}\text{C}$  га яқин ёки ундан биров юқори шароитга яхши сақланадиганлар. Бу гуруҳга сабзавот-меваларнинг тур ва навларидан кўпчилигини киритиш мумкин.
3. Ҳарорат  $20^{\circ}\text{C}-10^{\circ}\text{C}$  ва ундан юқори шароитга яхши сақланадиган картошка, помидор, олма, нок, ва бананнинг баъзи навлари. Бу ҳолатда айниқса, маҳсулот тўлиқ етилмаган бўлса, кейинги етилишни ҳисобга олиш зарур.

Ҳозирги замон сақлаш технологияси умумий классификациясидан ташқари сақлашга ҳарорат режимининг навга боғлиқлигини назарда тутаяди. Масалан, кескин омилларнинг маълумотларига кўра, олма сақлашда “Голден дюшес” га  $0,5^{\circ}\text{C}-1,5^{\circ}\text{C}$  “Жонатанг”  $2^{\circ}\text{C}$  мутадил аарорат ҳисобланади.

Сақлашда харорат танлаш махсулотнинг терим пайтидаги физиологик етилиш даражасига боғлиқ. Одатда, сабзавот ва тўлиқ физиологик йетилиши даврида йиғилган бўлса, сақлашга харорат минемал даражада бўлиши мумкин, агар мевалар, баъзи холларда сабзавотлар етилмасдан терилган бўлса, юқори даражада харорат белгиланади. Агар йетилмаган мевалар қуйи хароратда сақлашса, улар хосилдан кейинги етилиши қобилиятини умуман йўқотиш мумкин. Бу айниқса, помидорга, таълуқли бўлиб, 5<sup>0</sup>С хароратда унинг мевалари етилмайди.

Махсулот сақлаш билан бирга хароратни белгилаш пайтида фойдаланиши мақсадини инобатга олиш керак. Олмаларнинг сақлашнинг биринчи даврида совитишга бўлжалланган бўлса ундан хосил йиғилгандан кейинги етилиши тезлатиш ва энг юқори истеъмол сифатлари даражасига етилиш учун сақлашда рухсат этилган юқори хароратда ушлашга риоя қилмоқ керак. Масалан, чипс ишлаб чиқаришга фойдаланиладиган картошка туганакларида имкон борича қанд оз бўлиши керак, акс холда қайта ишланган махсулот қорайиб кетади. Бунинг учун қайта ишлашга 2-3 хафта қолганда харорат 5<sup>0</sup>С гача оширилади. Сабзавот уруғликлари озиқ-овқат махсулотларига қараганда анча юқори хароратда анча сақланади. (Усув нуқталари тўлиқ шаклланиши учун) Масалан оқ бошоқли карам -1<sup>0</sup>С да яхши сақланади. Худди шу талаб бошқа илдиз меваларга ҳам таълуқлидир. Турли нав уруғликларини сақлаш харорати хар-хил бўлиши керак, ва шарт.

Газ мухити намлиги. Ушбу омил сақланадиган объектларини нам боғланиши ва фитопотоген микроорганизмлар ривожланишга сабаб бўладиган намни суюқ томчи холда (терлаш) тушушига боғлиқ. Ундан ташқари, газ мухити намлиги моддалар алмашилишидаги биокимёвий жараёнларга таъсир этади. Сақлаш технологиясида мухитининг нисбий намлиги фоизга ифодаланади.

Буғлатиш яшил сабзавотларнинг барча сатхидаги намлигини йўқотишга хал қилувчи омил ҳисобланади. Сабзавотларнинг бу гуруҳида барг сатхини ривожланишини тупроқ ёки холати тезда йўқолиши ва тезда махсулотнинг товар сифати тушиб кетишига сабаб бўлади. Ёз кунлари очик хавода яқин сабзавотлари, айниқса, барг бошли салатлар 1-3 соат давомида сўлийтиди.

Хаво ҳароратининг тезлиги, агар у чуқур бўлса, сабзавот ва мевалар намлиги буғлатишини кескин кучайтиради. Хавонинг сув буғлари билан юқори даражада тўлиши, унинг оқим тезлиги ҳамда картошка дағал илдиз мевалилар, пиёз сингари объектларда деярли кузатилмайди. Сабзавотларни фаол шамоллаштириш, яъни кучки ҳаво оқимининг махсулотлар атрофида ҳаракатланиш шароитида сақлаш уюмдаги умумий исрофни камайтиради. Хароратнинг қатламларида пасайиши ва теккисланиши билан таъсирланиш даражаси камайтилади.

Бу карамга тегишли бўлиб уни фаол шамоллатишга тез совитиш, сақланадиган махсулот сифатига сезиларли тарзда таъсир этади. Сақланадиган сабзавот ва меваларнинг намлиги буғланиш хажмига катта таъсир этади. Чунки мухит қанча қуруқ бўлса, шунчалик нам кўп сақланади.

Шунинг учун сабзаёт ва меваларни сақлашда хавонинг нисбий намлиги, Яъни оз нам танқислиги ушлашга ҳаракат қилинади. Кўпчилик тур ва навлар учун 90-95 фоизи хаво нисбий намлиги мавжуд бўлгани маъқул. Пиёз, қовоқ, цитрус мевалар каби турлар учун эҳтимол, баъзида хавонинг нисбий намлигини 80 фоизгача, айрим ҳолатларда, масалан, пиёз бўғин шикастланган бўлса, 75 фоизгача тушириш зарур.

3. Омборхонадаги муҳит намлиги тўлиқ миқдорда таъминланган, ҳарорат эсабарқарор бўлса, ҳароратни бирмунча ошириш, CO<sub>2</sub> концентрацияси эса тушириш керак.

4. Агар сабзаёт ва меваларни сақлаш муддатини максимал узайтириш эмас, балки сифатини сақлаш мақсади кўзланган бўлса, ҳароратнинг энг минимал даражага тушармаслик, CO<sub>2</sub> концентрациясини маълум чекланишгача пасайтириш тавсия этилади.

5. Хар бир навли сақлашда ҳарорат, CO<sub>2</sub> ва O<sub>2</sub> концентрациялари орасида нисбатни белгилашга уч омили тажриба қўллаш зарур худди шундай ўзгаришларни икки намлик муҳитида олиб бориш тавсия этилади.

Маҳсулотларни сақлаш даврида вазиннинг таркибий қиймати

Мева сабзаёт ва картошкани сақлаш вақтида вазиннинг қийматини, улар таркибидаги моддалар парчаланиши, хужайралар нафас олиши туфайли меваларнинг нам йўқотиб сулиши натижасида юз беради. Меъёрли муҳит шароитида сақлаш пайтида маҳсулотнинг вазни камайиши таъбиий камайиш деб аталади.

Сақлашнинг бошланиш даврида таъбиий вази камайиши суръати кўпроқ бўлади, чунки биокимёвий жараёнлар янги узилиб ишловга кўшилаётган сабзаётларда анчагина фаол ўтади. Кейинчалик унинг даври бошлангандан сўнг бази йўқотиш кўпаяди. Сабзаётларнинг таъбиий камайиши уларнинг тури, нави, пишиб етилиши даражаси, механик жароҳатланиши ва ниҳоят сақлаш шароитларига боғлиқдир. Биокимёвий ва физиологик жараёнлар суст бўлса ҳам давом этиб сақлаб қоладиган дараждаги намлик буғлатиш меъёрдаги ҳол ҳисобланади.

Сабзаётларни умумий табиий вазн камайиши маҳсулот хусусиятига боғлиқ бўлгани ҳолда, 10-35 фоиз органик моддалар камайишига ва 60-30 фоиз намлик буғлатиш ҳисобига бўлади. Ўз-ўзидан маълумки, нам кўп миқдорда йўқотиши вазини ҳам кўпроқ камайишига олиб келади. Табиий вазни камайишидан ташқари мева-сабзаётларнинг чиқиши, механик жароҳатланиши ва физиологик касалланиши туфайли сифати камайиб кетиши мумкин. Уларнинг сабабини аниқ бўлиб, ҳисоб қилиш анча қийин. Шу сабаблар белгиланмаган чиқитлар ҳисобланади. Айрим ҳолларда батамом чириган ва ярим чириган маҳсулотни далолатнома билан расмийлаштириб, ҳисобдан чиқаришда вазни соғлом маҳсулот вазни билан таққосланади. Ва бу нотўғри. Йирик чиқит вазни, одатда соғлом маҳсулотга нисбатан камроқ чиқади. Шу билан бирга, хар-хил касалликлар вази камайишига бир-хил таъсир этмайди. Масалан сабзи фамоз билан касалланган бўлса, кулранг ва оч чириши билан касалланишга нисбатан кўпроқ вазини йўқотади. Картошканинг касалланганлигини таҳлил қилсак

нисбатан қуруқ чиқилгани 20-40, фоиз, хўл чиқилгани 5-10 фоиз кўпроқ вазни йўқотади. Амалиётда бундай холлар кўп учраб туради. Айниқса, четдан истемол ва уруғлик учун келтирилган картошка, қизил сабзи каби маҳсулотларга шу йўсинда белгиланмаган чиқитлар пайдо бўлади. Пиёзбошларни сақлаган пайтда, улар кўпинча кўкариб кетади. Сақлаш вақтида ажратилган чиқитлар қутиларда ойлар ётиб, чиқит миқдори ва соғлом маҳсулот ўртасида катта тафовутлар келиб чиқади. Бу муаммо саримсоқпиёз сақлашда ҳам учрайди. Шунинг учун ҳақиқий вази камайишини аниқ белгилаб учун сақлаш шароитига қараб, синовчи намуналар қўйиб ташланади. Агар маҳсулот сифати ва сақлаш шароити талабга жавоб берадиган сақланиш қобилияти яхши маҳсулот бўлса, вази камайиши тафовути деярли сезилмайди. Синовга қўшилган намуналар қўйиб тикланади. Ва ҳар бир ойга ёки сақлаш охирида тортилади. Шунда бир-ойлик вази камайиши маълум бўлади, сақлаш ниҳоясига йетиб, охириги тортишда сақлаш вақтидаги умумий вази камайиши миқдори аниқланади. Сақлаш охириги маҳсулот сифати бўйича сараланади, касалланган ва сифатсиз маҳсулотлар миқдори ҳам аниқланади. Маҳсулотнинг табиғий вазини камайиши ва сифат йўқолиши олдини олиб, камайтириш яхши сақланишга мойил нав маҳсулоти йетиштириш, уларни йиғиштиришда мумкин қадар эҳтиёткорлик ва айна вақтда омборда муқобил сақлаш тартибини тутиб туриш керак. Агар маҳсулот сақлаш даврида сифати пасайиб, касалланиш аломатлари аниқланса, уларни саралаб истеъмолга юбориш ёки тезлик билан чоралар қўллаш лозим.

Картошка, сабзавот ва меваларни сақлаш режимлари.

Картошка. Теридерма тўқимаси ҳосил қилиш учун ҳарорат 7 °C дан паст бўлмаслиги ва ҳаво деярли сернам бўлиши лозим. Картошка ўз муддатида йиғиштирилиши ва дастлаб икки уч ҳафта давомида сақлашда ҳаво ҳарорати 10°C-18°C ва нисбий намлик 90-95 фоиз, шунингдек, яхши шамоллатиб турилганда, янги передерма тўқимаси тез ҳосил бўлади.

Дастлабки кунларда маҳсулотни 12°C-18°C да тутиб, шамоллатиб туриш лозим. Картошка сақлашдаги даволаниш-битиш даври 10-18 кун давом этади. Сўнгра омборхонанинг ҳарорати пасайтирилиб, бир кеча кундузда аста-секин 0,5°C-1°C дан совитишга эришилади. Етилган ва пўсти қотмаган, йиғиштириш вақтида бироз шикастланган картошка туганаклари учун даволаниш унчалик чўзилмайди. Аммо ҳосил намгарчилин шароитида навланган бўлса, уни лойли тупроқдан тозалаш ва озроқ қуритиш керак. Яхши етилган, пўсти қотмаган ва уринган туганакларнинг даволаниш даврибир мунча чўзилади. Даволаш давридан сўнг ҳарорат картошка навига қараб тахминан 2°C-4°C гача пасайтирилса, туганакларда модда алмашилиши кескин сусаяди.

Уюмлардаги ҳарорат ҳар ҳафтда бир марта текшириб турилади. Ҳарорат уюм термометри ёрдамида кузатилади. Уюмлардаги ҳарорат ташқи ҳавоникидан юқори бўлганда вентиляция қувурлари очилади. Бошқа пайтларда ёпиб қўйилади. Совуқ урмаслиги учун ҳаво тортадиган қувурлар

беркитилади. Уюм ёки хандакда ҳароратнинг кескин кўтарилиши туганакларнинг чирий бошлаганидан далолат беради.

Доимий картошка сақловчи омборлар уюм ва ҳандоқларда қараганда афзалдир. Чунки уларда сақлаш режими маълум даражада бошланиб туришга, сақловчи маҳсулот ҳолатини назорат қилиб бориши имкони бўлади. Доимий омборлар, асосан уч хил, ёе устки, ярим чуқур ва чуқур. Чуқур (ертўла) жойлаштирилгани ер устки ва ярим чуқур омборларга нисбатан шу жиҳатдан афзалдирки уларда картошка учун мўтадил ҳарорат ва нисбий намлик бўлиб, натижада, исроф кам бўлади. Ярим чуқур ва ер устки омборларининг камчилиги улар ер тўла омборларига қараганда қишда кўпроқ совиб, баҳорда эса тезда ўсиб кетади. Ташқи ҳарорат  $40^{\circ}\text{C}$ - $42^{\circ}\text{C}$  гача ва ундан юқори кўтариладиган баҳор ва ёзда суний совитиладиган омборларда муқобил сақлаш шароити яратилиб, керакли ҳароратни юзага келиши мумкин. Ҳарорат ва нисбий намлик кунига икки мата шамоллаштириш олдидан ёки тамомлагандан кейин 30-40 дақиқа ўтгач ўлчанади. Уюмлардаги ҳарорат қайд қилиб борилади. Омбордаги ҳавонинг нисбий намлиги 85-95 фоиз ва ҳарорат  $2^{\circ}\text{C}$ - $3^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлиши керак.

Уюмлар сақлашда ва яхши шамоллаган картошка туганаклари нафас олиш жараёнида иссиқлик ажралиш туфайли ўз-ўзидан қизиб кетиши мумкин. Иссиқлик тўпланган сари, нафас олиш суръати кучайиб, микроорганизмларнинг фаолияти жонланади ва натижада, уюмларда анаэроб шароит юзага келади. Уюм ичида кислород камайиши сабабли туганак тўқималари қорайи димиқади ва тез чириш рўй бериши. Бунга йўл қўймаслик учун сақланаётган картошка уюмдаги ҳароратни мунтазам ўлчаб туриш ва кучайтирилганда зудлик билан шамоллатиб ҳамда совитиш чораларини кўриш лозим.

Фаол вентиляция ва сунъий совитилдиган омборларда ҳавонинг ҳарорати ҳамда нисбий намлиги сақланаётган картошка қатламларида совуқ ҳаво юбориш йўли билан тартибга солинади. Омборда муқобил ҳарорат ва ҳаво намлигини яратиш учун вентиляция мослашмалари орқали ҳа тонна картошкага соатига камида  $50-70\text{ м}^3$  ҳаво ҳайдаш керак бўлади. Куз қиш, мавсумида, одатда фақат ташқи ҳаво, аёзли кунларда эса ички ва ташқи ҳаво аралашмаси ишлатилади. Кўкламда картошка уюмларида “Захира совуқ” яратиш ўта муҳимдир. Бунда ҳароратни  $1,5^{\circ}\text{C}$ - $2^{\circ}\text{C}$  гача пасайтириш билан эришилади. Шу боисдан баҳорда фақат ташқи ҳаво ҳисобига шамоллатилади. Кун совуқ бўладиган тунда ва эрта тонгда вентиляция тизими ишга солинади. Фаол вентиляция ва совуқ сақлаш қўлланилганида картошканинг ўз-ўзидан қизиши тўхтаб маҳсулотнинг айниши ёки ўсиб кетиши кескин камаяди.

Пиёз ва саримсоқ. Ҳаво намлигини паст бўлиши нафақат пиёз ва саримсоқ сақлашнинг зарур шарти бўлиб билина қолмай, балки унинг етилишини тезлаштириши тиним ҳолатига ўтказиш мумкин бўладиган муҳим восита ҳамдир. Сақлашдан олдин ҳосилни ёпиб, қуришиб олиш, унинг сақланиш муддатини узайтириш қадимдан маълум. Сақлаш вақтида паст, совуқ ҳароратга бардош бера олиш пиёз бошларининг муҳим хусусиятидир. Пиёз музлаб қолганда ҳам харидоргир ва хатто кўкариши хусусиятларини

йўқотмайди, лекин музлаган пиёз аста-секин асл холига бориши керак. Пиёз бардош берадиган паст хароратнинг чегараси  $-4^{\circ}\text{C}$  дир. Шунинг учун уни  $3^{\circ}\text{C}$  дан паст бўлган хароратда сақлаш керак. Сақлаш вақтида пиёз музлаб қолса, кейинчалик ўз холига қайтади, дейишади, Музлаш даражаси  $3^{\circ}\text{C}$  дан ошмаган холда пиёз қаватидаги музлаган тўқима деворлари зарарланмайди. Ва ўз холига келади. Советгичларда сақланаётган пиёзнинг хароратининг аста-секин ишлатишга алоҳида эътибор бериши лозим. Савдога мўлжалланган маҳсулотнинг харорати секинлик билан хар-куни  $3^{\circ}\text{C}-5^{\circ}\text{C}$  оширилиб, ташқи муҳит хароратига мослашгунча кутиб турилади. Харорат бирданига ўзгартирилса, яқин советгич камерасидан иссиқ хаво ўтказилса, пиёз дастлабки ҳолатига қайтмаслиги ва тўқималар шаклини ўзгартириб юбориши мумкин. Бундан ташқари совуқ пиёз иссиқ жойда тез терлайди, бу эса уни микробиологик ойлигига йўл олиши мумкин.

Сақлаш муддатини мумкин қадар узоқроқ бўлишини таъминлаш лозим. Озиқ-овқат мақсадида ишлатиладиган пиёзни икки ҳил хароратда  $18^{\circ}\text{C}-22^{\circ}\text{C}$  ва совуқ  $1^{\circ}\text{C}-3^{\circ}\text{C}$  да сақланади. Пиёз сақлашда хавонинг намлик даражаси 70-80 фоиз бўлиши керак. Иссиқ шароитда бунга осон эришилади. Аммо советиб сақлашда хавонинг намлиги кўтарилиб кетади. Шундай пайтда пиёзнинг терлашга йўл қўймаслиги керак. Етилган соғлом пиёз ва саримсоқ 90-95 Фоизни хаво намлигида ҳам сақланади. Пиёзнинг ҳолатини мунтазам харорат қилиб туриш керак. Унинг айниши ва ўсиши кузатилса, харорат  $3^{\circ}\text{C}$  га пасайтирилиб, дарҳол омбордаги хавонинг нисбий намлигини тушириш зарур.

Саримсоқ икки усулда, яъни совуқ шароитда ва илиқ омборларда сақланади. Совуқ хароратда сақланганда харорат  $1^{\circ}\text{C}-3^{\circ}\text{C}$ , хавонинг нисбий намлиги 70-80 фоиз, илиқ шароитда сақлаганда  $18^{\circ}\text{C}-20^{\circ}\text{C}$ , нисбий намлик 70 фоиз бўлиши керак. Сақлашнинг чуқур тиним даврида минтақасидаги куртакларнинг табақаланиши кескин сусайиб, ўсмайди. Бироқ ишлаб чиқариш шароитида саримсоқни советилган ва иситилган усулларда сақлаш имкони ҳамма вақт ҳам мавжуд бўлавермайди. Шу сабабли маҳаллий аҳоли саримсоқ сақлашнинг жуда қулай усулларида фойдаланилади.

Карам. Озиқ-овқат да ишлатиладиган карамни сақлаш учун харорат  $1^{\circ}\text{C}-0^{\circ}\text{C}$  ва хавонинг нисбий намлиги 90-98 фоиз бўлиши қулай шароит ҳисобланади. Карам сақлашда хавонинг нисбий намлиги жуда юқори бўлмаслиги керак. Тахтлардаги карамлар орасининг намлиги 97-98 фоизга яқинлашади. Омбор хавонинг таркибига эса 93-96 фоиз бўлади. Шундай намликда карам бошлари яхши сақланиб, вазини кўп йўқотмайди.

Сабзи. Озиқ-овқатга мўлжалланган сабзи  $0^{\circ}\text{C}$  хароратда яхши сақланади. Шундай хавонинг нисбий намлиги 90-95 фоиз бўлиши керак. Харорат  $1^{\circ}\text{C}$  дан пасайтирилса, илдиз мева тўқималари зараланади ва ижобий дараждан чиққандан кейин касалланади. Агар харорат  $2^{\circ}\text{C}$  дан кўтарилса, сабзи кўкара бошлагани билан касалланади.

Омбор хавонинг таркибидаги  $\text{CO}_2$ нинг концентрациясини (3-5 фоиздан) ошириш ижобий таъсир этади. Шундай муҳитда микроорганизмларнинг ривожланиши тўхтади, Нафас олиш ва бошқа модда

алмашилиши жараёнлари сусаяди, натижада, мажбурий тиним даври муддати даври чўзилади. Ва сабзи ўсиб кетмайди. Бироқ  $\text{CO}_2$  концентрацияси ҳаддан ташқари ошиб кетса, маҳсулотнинг нафас олиши ишдаги чиқади. Уруғлик сабзини сақлаш режими озик-овқат маҳсулотини сақлаш режасидан кескин фарқ қилади. Уруғлик учун ҳароратни  $0^0-1^0\text{C}$  дан пасайтирмаслик керак. Ҳарорат  $0^0$  га яқинлашганида сабзидаги куртакларнинг табақаланиши тўхтатиши ёки бутунлай нобуд бўлиши мумкин, Чунки улар илдиз меванинг юзасида жойлашиб, химояланмаган бўлади. Уруғлик сабзи нав хусусиятига қараб, мўтадил ҳарорат  $0,5^0\text{C}-1,5^0\text{C}$  ва ҳавонинг нисбий намлиги 95 фоизга яқин бўлганда яхши сақланади.

Ош лавкаш. Турп ва шолғом фаол шамоллатиладиган ва сунъий совитиладиган омборларда илдиз мевалар яхши сақланади. Илдиз мевалар учун энг маъқул ҳарорат  $0^0\text{C}-2^0\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги эса 85-90 фоиз. Илдиз меваларни узок муддат сақлашнинг асосий омилларидан юқори ҳарорат ва нисбий намликни бир меъёردа ушлаб, паст ёки юқори бўлиб кетишига йўл қўймаслигидир.

Помидор. Кузатиб йетилган помидорни совитиш омборхонада  $0^0-1^0\text{C}$  га яқин ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 фоиздан тахминан бир ойгача сақлаш мумкин. Маҳсулотни сақлаш учун  $2^0-3^0\text{C}$  ҳароратда жуда мос келади. Мевалар фақат кундашқа эмас, балки вақтида ҳам аста-секин қизариб йетилади. Помидор сақлов ҳарорати  $20^0-25^0\text{C}$  бўлганда жуда тез қизариб кетади, ҳавонинг нисбий намлиги помидорни сўлитмайдиган ва моғор бостирилмайдиган даражада ёки 80-90 фоиз бўлиши керак. Қоронғи хоналарда помидор мевалари секин қизаради. Олимларнинг тадқиқотлари, илғор сабзавоткорлар тажрибаси помидорни одатга нисбатан анча узок сақлаш имкони борлигини кўрсатмоқда. Бунинг учун маҳсус навлар танланиб, уларга алоҳида агротехникада ишлов берган ҳолда қулай ҳаво намлиги яратиб, йетиштирадиган жойнинг ўзга сақлаш лозим. Узок муддат сақланадиган помидор иложи борича кечроқ узилиши, лекин охири терими совуқ тушмасдан олдин ўтказилиши керак. Паст ҳарорат ( $-2^0-1^0\text{C}$ ) таъсирида бўлган маҳсулот сақловда яхши турмайди.

Помидор.  $5^0-7^0\text{C}$  мл муқобил ҳароратда сақлашади, лекин омборларда юқорироқ  $10^0-12^0\text{C}$  ли ҳарорат доимий тутилганда ҳам яхши натижа беради. Маҳсулотнинг ҳолати ва сақлаш режими ҳар куни назорат қилиб, турилади. Агар узилган кундаёқ сотиш мўлжалланмаса, унча пишиб йетилмаган хомроқ мевалар терилади.

Бодринг. Янги узилганларини сунъий совитилган омборларда ҳарорат  $6^0-8^0\text{C}$  в ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 фоиз бўлганида бир ойгача сақлаш мумкин. Бунда бодринг полиэтелен қонларда 10-15 кг кетадиган кутиларда полиэтелен солиб жойланади. Микроиклим яратиш ёки билан бодрингни узок асраш мумкин. Кашнич ва секдерейнинг оқ илдизлари. Оқ илдизларни муқобил сақлаш ҳарорати  $0^0-1^0\text{C}$  атрофида, ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 фоиздир, илдизларга вақти-вақти билан бир меъёردа тепа ва ён томонларидан сув пуркаб турилади, чириган илдизлар кум билан бирга олиб ташланади. Кўкат сабзавотлар кўкат сабзавотдаги полимер плёнкалар билан ҳам қисқа вақт сақлаш мумкин. Плёнкага ўралган маҳсулотни  $0^0\text{C}$

харорат ва 90-95 фоизни нисбий намликда яна ҳам узоқроқ сақласа ҳам бўлади.

**Олма.** Олма навларни сақлаш шароити ўзига хос бўлиб, кўпинча нафақа олма учун, балки алоҳида нав ёки гуруҳлар учун сақлаш режими тавсия этилади. Умуман олма сақлашда  $1^{\circ}\text{C}$  фарқи билан  $0^{\circ}\text{C}$  га яқин харорат бўлиши маъқул. Аммо етилмаган навлар қуйи хароратда сақланганда тўлиқ ишлайди, хушбўйлиги яхши бўлмайди. “Ундан ташқари, баъзи навлар (“ренет Симеренка, Жонати”) мевалари  $0^{\circ}\text{C}$  да узоқ сақланиши натижасида тўлиқ етилиши хусусиятини йўқотади, оқибатда пўсти ва этида қорайиши кўпаяди, Аксинча БОйкен “оқ размаринва ” “Голден дюшес навлари эса -  $1,5^{\circ}\text{C}$  ортиқча совитишга чидайдди” ва аста-секин харорат кўтариш билан истеъмол сифатлари сақланиб қолади. Олма мевалари ортиқча совук холатига чидамли бўлиб, фақат бир маромда совитишни кўтаради. Кескин совитишда ва юқори хароратда шикастланиш самараси ошади. Йирик совитиш омборларда сақлаш хароратини керакли даражада ушлаб туриши қийин. Шу сабабли уларда харорат  $1^{\circ}$ - $1,5^{\circ}\text{C}$  пасайиши эҳтимоли юзага келиб, мевалар нобуд бўлиши мумкин. Олма сақлашда ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 % оралиғида ушлаб тавсия этилади.

Пост намликда олма навларининг мевалари сўлмайди ва буришиб қолади. Газ мухити таркибини бошқариш билан сақлаш муддатини узайтириш, исрофгарчиликни камайитириш ва мевалар сифатини юқори даражага сақлашга эришиш мумкин. Бунда мевалардаги физиологик бузилишлар, меваларни турли эти қорайишини олдини олиш мумкин. Ҳар бир нав учун меваларни сақланувчанлигини таъминловчи энг яхши газ таркиби ва ҳаракати бўлади. Фақат баъзи навлар  $\text{CO}_2$  юқори даражаси чидамлилиги бўлади. Чидамли навларга (“Ренет Симеронко,” “сари сенан”)  $\text{C}^2\text{O}^2$  концентрациясининг 5:3 нисбати тавсия этилади. “Оқ размерин” каби навлар бир-неча фоиз  $\text{CO}^2$  концентрациясига кислород ва деярли кўмир эски газ бўлмаган муҳит муқобил ҳисобланади.

**Нок.** Нокни сақлашдаги сақлашдаги харорат олмага нисбатан юқори бўлиб,  $2^{\circ}\text{C}$ - $4^{\circ}\text{C}$  ни ташкил этади.  $0^{\circ}\text{C}$  га яқин хароратда сақлашса тўлиқ этилмайди. Унинг учун нишмасдан терилган меваларни истеъмол қилиш фазасига яқин нисбатан юқори хароратда яъни  $0^{\circ}\text{C}$  да сақланади. Шуни назарда тутиш керакки оқ олмага қараганда совитгич камераларда анча секин совитилади.

Нокни сақлашдаги ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 фоиз.

**Узум.** Узумни совитиш омборларида  $0^{\circ}\text{C}$ ,  $0^{\circ}\text{C}$  сақланади. У  $-2^{\circ}\text{C}$  гача хароратга чидайдди, аммо бу хавфли чекланиш ҳисобланиб, бази навларда физиологик бузилиши кузатилса, меваларнинг эти, рангни ўзгаради. Ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 фоиз.

**Шафтоли.** Сақлаш харорати  $1^{\circ}\text{C}$ ,  $0^{\circ}\text{C}$  Юқори харорати лаҳм тўқималарида дағал томирчалар юзага келишига сабаб бўлади. Ҳавонинг нисбий намлиги 90 фоиздан юқори бўлиши лозим.

**Ўрик.** Меваларнинг йетилиш даражаси шафтоли сифати каттик бўлиши керак. Идиш ва сақлаш режими шафтоли каби бўлади, аммо баъзи

навлари  $0^{\circ}\text{C}$  паст ҳароратда сақлаш тавсия этилмайди. Ўрик сақлашда тўлиқ йетилиш  $10^{\circ}\text{C}$ - $15^{\circ}\text{C}$  да амалга оширилади.

Олхўри. Тўлиқ йетилган мевалар ёмон сақланади. Олхўри сақлаш ҳарорати  $-1^{\circ}\text{C}$ - $1^{\circ}\text{C}$  ҳавонинг нисбий намлиги 95 фоиз атрофида. Олхўри  $2^{\circ}\text{C}$  гача зич ёпилган полиэтилен халтачаларида яхши сақланади. Халтачаларда 0,5 кг мевалар жойланади.

Олма мевалар  $1^{\circ}\text{C}$ - $1^{\circ}\text{C}$  да ҳавонинг нисбий намлиги 95 фоиз атрофида 1-1,5 ойгача яхши ҳолатда сақланди. Сақлаш учун зич муҳим ва тўқрангли мевалар тўғри келади. Оч рангли мевлар сақлашдан кейин тезда ранжиш йўқотади. Газ муҳитида сақлаш муддатини бир ойгача чўзиш мумкин.

Қорағат. Қуруқ, етилган мевалар совитгичларда  $0^{\circ}\text{C}$ - $1^{\circ}\text{C}$  да ва ҳавонинг нисбий намлиги 95 фоиз атрофида 1-1,5 ойгача ҳолатда сақланади. Қарағай шингиклари билан терилади. Меваларни қанчалик тез совитилса, Улар шунчалик яхши ва узоқ муддат сақланади. Сақлаш тугалагандан кейин мевалар анча юқори ҳароратда хонада бир неча марта оғдариб илитилади. Полиэтилен плёнкалар халтагичларга зичқадоқланган меваларни  $0^{\circ}\text{C}$  да 2-3 ойгача сақлаши мумкин.

Йер тути. Совитгичлар  $0^{\circ}\text{C}$ - $2^{\circ}\text{C}$  да ва ҳавонинг нисбий намлиги 95 фоиз атрофида бўлганда 5 кунгача сақланади, оддий муҳитда ( $\text{CO}_2$  10 фоиз,  $\text{O}_2$  1-2 фоиз) йер тути меваларини узоғи билан 2 ҳафтагача сақлаш мумкин.

Цитрус мевалари. Нисбатан юқори ҳароратда сақланади, мандаринлар учун  $2^{\circ}\text{C}$ - $5^{\circ}\text{C}$  имконлар  $6^{\circ}\text{C}$ - $7^{\circ}\text{C}$  кифоя. Тўлиқ етилган меваларни  $0^{\circ}\text{C}$  га яқин ҳароратда ҳам сақласа бўлади.

Йетилмаган меваларни анча юқори ҳароратда ўлчаш керак, акс холда улар яхшилигига бўлади.

Қовун. Сақлашда ҳарорат  $2^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 %

Тарвуз. Мўтадил ҳарорат  $3^{\circ}\text{C}$ , ҳавонинг нисбий намлиги 80-90 фоиз

Қовоқ. Унинг сақлаш режими  $6^{\circ}\text{C}$ - $10^{\circ}\text{C}$  ва ҳавонинг нисбий намлиги 73-75 % картошка, сабзавот ва меваларни сақлаш омборлари. Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини сақлашда турли усуллар қўлланилади. Жумладан, маҳсулотлари дала шароитида хандоқ ва уюмларда сақлаш қадимий усуллардан ҳисобланади. Бу усул хўжаликларда хонадонларда, шунингдек, омбор етилмаган тайёрлов идораларида илдиз меваларини сақлашда кенг қўлланилади.

Доимий мева-сабзавот омборхоналарини сақлаш шароитларига қараб турли-хил бўлади. Бунда уларнинг катта-кичиклиги, сақлаш режими, шамоллатиш тизимлари, ишларни механизациялаш ва маҳсулотларни жойлаштириш усуллари биланбир-биридан фарқ қилади. Омборхоналар сақлаш шароитлари, жумладан, техника билан қандай даражада таъминланганлигига қараб қуйидагиларга бўлинади:

1. Табиий равишда шакллантирилдиган оддий омборлар
2. Кучли вентилятор воситасида фаол шакллантирилдиган омборлар
3. Совитгичлар (Суний совитилдиган омборлар)
4. Ҳаво атмосфераси назарот қилиб туриладиган совитгичлар.

Маҳсулотни турли мақсадларда сақлаш, хўжаликларнинг моддий техник инқоливлари, шунингдек хар-хил шароитларда келадиган усулни танлаш унинг иқтисодий ва технологик кўрсаткичларига боғлиқ. Технологик жихатдан олиб қараганда, мўтадил шароитларда сақлаш режимига қандай, амал қилиш ҳамда кам исроф қилган ҳолда сақласа муддатини узайтириш имқоливларини чуқур билиш муҳимдир. Бундай маълумотлар омборхона ҳужжатларида акс этилган бўлади ва тахминан ҳисоботлардан иборат бўлиб, кўпинча амалиётга мос келмайди. Бирор сақлаш усулини чуқурроқ аниқлаш учун дастлаб тадқиқот ишлари олиб борилиб, сақлаш усуллари синаб кўрилади. Шу сақлаш усулида оид асосий технологик тафсилотлар ишлаб чиқилганидан кейингина унинг мўлжалланган вазифани бажаришга тўғри келиши хусусида ҳулоса чиқариш мумкин масалан, картошка ёки пиёзни май-июн ойларигача сақлаш режаланса, совиткич қуруш лозим мубодо, сақлаш муддати январгача белгиланган бўлса, унда табиий равишда шамоллатиладиган ёки вентелятор ёрдамида ташқи ҳаводан фойдаланиб совитиладиган омбор кифоя.

Сабзавот ва мева сақлаш технологиясини ривожлантиришда сосий эътибор мўтадил шароитда сақлаш тизими ҳамда механизация воситалари билан жихозланган омборхоналар бунёд этишга қаралади. Шунда омборхоналар қуриш, уларни жихозлашга кетган капитал маблағлар, меҳнат сарф-харорати нобудгарчиликни камайтириш ҳисобига тезда қопланиши мумкин. Қишлоқ хўжалиги корхоналарида дала шароитида маҳсулот сақлаш усуллари кенг қўлланилаётир. Кейинги йилларда завонавий мева-сабзавот омборхоналари ва совитгичлар ҳам кўп қурилмоқда.

Доимий омборхоналар. Сабзавот ва мевалар учун мўлжалланган омборхоналар бир-биридан тубдан фарқ қилиб, қандай маҳсулот сақлашда мўлжалланганлигига қараб. Режалаштирилган. Унинг хажми, конструктив қурилиш хусусиятлари сақлаш шароитларини тартибга солиш тизими, жойлаштириш усуллари, ортиши тушириш ишларини механизациялаштириш ва иқтисодий кўрсаткичларга аҳамият берилади.

Мўлжаллаш ва режалаш хусуситлари картошка, илдиз мева, қарам пиёз узум ва мева сақлашда мўлжалланган омборхоналар бўлди. Одатда турли хилдаги маҳсулотлар бир жойда сақланмайди, чунки уларни сақлаш шароитида ва жойлаштириш усуллари бир-биридан фарқ қилади. Масалан, картошка ва илдиз меваларни қарам билан, мева узумни пиёз ни саримсоқ билан сақлаб бўлмайди.

Маҳсулотларнинг кўп турларини сақлашга мўлжалланган универсал омборхоналарда, асосан, қадокланган маҳсулотлар фақат қисқа муддат ичида сақланади. Бунда баъзи сабзавот турларини бирга сақлашга йўл қўймаслиги инобатга олинади. Намунавий омборхоналар хажми бўйича 5-30 тоннадан, 100-800 тоннагача маҳсулот кетадиган кичик, ўрта ва йирик бўлади. Йирик хажмдаги омборхона тежамли бўлиб, яъни сақланадиган ҳар тонна маҳсулотга кичик хажмли омборхонага нисбатан кам маблағ сарфланади. Масалан, омборхоналарнинг сиғим кам маблағ сарфланади. Масалан, омборхоналарнинг сиғими уч баробар ортса, унинг хар-хил тўнна маҳсулот

сақлаш қиймати тахминан 30 фоизга камаяди. Бундай имкони бўйича йирик омборхоналар қуриш ҳолатда омборхонанинг хажми, унинг хил ва бошқа асосий кўрсаткичлари иқтисодий-техникимкониятларига қараб белгиланади. Замонавий омборхонага автотранспорт бир томонидан кириб, иккинчи томонидан чиқадиган йўли биланлиги маъқул. Чунки шунда маҳсулотни бевосита жойланадиган ерга ётказиш имкони яратилади. Ертўла омборхонанинг чуқур жойланиш даражаси белгиланади, биринчи навбатда, созот сувларнинг қандай чуқурлигидаги эътиборга олинади (ертўла тубидан кимида 2 чуқурликда бўлиши лозим) Ертўлали омборхонага чуқур жойлашса, сақлаш харорати ва нисбий намлиги барқарор бўлади. Лекин зарур омборхоналар бунёд қилинади катта хажмдаги ётказиш ишларини бажаришга тўғри келади.

Ҳозирги қайтда иссиқлик ўтказмайдиган ишончки изоляция материалларини яратилган. Ер устки омборхоналарнинг девор ва томларини унчалик қалин бўлмаган ҳолда иссиқ совуқдан яхшилаб сақлаш мукин. Баъзи омборхоналар икки қаватли бўлиб, унинг пастки қавати ертўла, иккинчиси ер устки қаватидан иборат. Уларда чуқур ва ер устки омборхоналарнинг барча қулайликлари мужассамлашган.

Мева сақлашга мўлжалланган омборхоналарда (11-12 чизмалар) кўпинча ер устки қисмига қурилади, чунки маҳсулотларни товар ҳолатига келтириш ишларини амалга ошириш учун унча ёндашган ёруғ бино ёки бостирмали айвон қурилади. Шу сабабли бино чуқурлаштирилса, бундай ёрдамчи хоналар қуриш қийинлашади. Пиёз омбори ҳам ер юзига жойлаштирилади. Чунки бундай биналарда паст ҳаво намлигини юзага келтириш қийин эмас.

#### Омборларнинг шамоллатиш тизими.

Технологик талабларга ҳисобга олиб қараганда маҳсулотларни сақлашда зарур режимини юзага келтирадиган тизим муҳимдир. Омборхоналардаги вентиляция тизими табиий, мажбурий ва фаол шамоллатишларга бўлинади.

Табиий шамоллатиш. Омборхонадаги ҳаво иссиқлик конвенцияси қонуни бўйича ҳаракатланади. У қизиганда кенгаяди, сийраклашиб юқорига кўтарилади. Айни вақтда совуқроқ ва қалинроқ ҳаво пастга тушади. Натижада хавонинг тортилиши юзага келади. Ҳаво хароратининг тезлиги қанчалк жадаллашса, омборхона ичидаги ва ташқаридаги харорат тафовути шу қадар ортади. Шу сабабли табиий шамоллатишнинг совитиш самараси унчалик сезилмайди.

Куннинг қулай пайтларида қопқоқли туйнук орқали шамоллатишга тўғри келади. Қишда эса, ташқи харорат пасайганда, аксинча маҳсулотни совуқдан сақлаш учун шамоллатиш қувурларининг тўсиқлари ёпилиб, ҳаво харорати тўхтатилади.

#### Мажбурий шамоллатиш

Бу шамоллатиш усулида электр вентилятор ёрдамида ҳаво омборхонага ҳайдатилади. Омборхона ходими кирадиган хавонинг миқдорини бошқариб туриш имконига эга. Яъни маҳсулотларни сақлаш режимини маълум даражада режалаб туради. Ўрта ва катта хажмдаги омборхоналарда

мажбурий вентиляция мажбур бўлади, чунки уларда табиий шамоллатиш билан маҳсулот сақлаш режимини етарли даражада амалга оширилиб бўлмайди. Хоналардан хавони хайдаш ва хаво суриш қувурлари орқали мажбурий вентиляция юзага келтиради. Омборхоналардаги хаво бутун сатх бўйича бир-теккис тақсимланган ер остидаги пайсимон йўллар орқали тарқалади. Мажбурий вентиляция бўлган омборлардаги маҳсулот, албатта идишлар яшиқ ва контейнерларга жойлашган холда тахланади. Шунда хаво қадовланган маҳсулотларга таъсир этади. Бу холда унча катта хажмда бўлмаган маҳсулот тахламлардаги ҳарорат, намлик, хавонинг газ таркибига кўп фарқ қилмайди. Бундай омборлар бир қатор афзалликларга эга бўлиб, уларда самарали совитиш ва ортиш-тушириш ишларини механизациялаш имкони бор. Аммо катта хажмдаги омборхоналарда уюм ҳамда сақланган ва бошқа илдиз меваларнинг қатламлари орасидан хавони яхши ўтказмаслик мажбурий шамоллатишнинг ноқулайлигидир.

### **Фаол шамоллатиш**

Бу шамоллатиш усулида хаво сақланаётган маҳсулотнинг барча қатламлари оралаб, унинг ҳар-бир донасига таъсир этади. Натижада, маҳсулотни совитишга, иситишга, қуритишга, шунингдек барча нуқталардаги ҳарорат, намлик ва хаво таркиби бирхил бўлишига эришилади. Маҳсулотнинг ўз-ўзидан қизиб кетиши ва терлаш хавф туғилмайди. Карамларда сақланаётган маҳсулот қатламларига ўсувчи тартибга солувчи эксоген моддаларнинг афзаллиги картошка ва илдиз меваларни кам чиқит билан сақлашдир. Шу сабабли иссиқ минтақада фаол вентиляцияли омборхоналар қурилишда албатта, сунъий совуқ бериш кўзда тутилиши керак. Сунъий совитиш учун

Уюм ва хандоқлар яратиш учун сизот сувлар (2 метрдан чуқур ) жойлашган, яхши шамоллайдиган жой танланади. Улар атроф кам тушадиган шимолий нишаблик ва дарахтлар соясида бўлгани маъқул. Тупроқнинг юқори қатламида чириган қатлам қолдиқлар ва ахлат бўлмаслиги зарур. Сагитор талаблари бўйича уюм хандоқларни чорвачилик иншоатлари ҳамда енг-хашар ва сомон ғарамлари чиқин дақирув бўлмайди, чунки бу ерларда келтирувчилик кўп бўлиши мумкин. Маҳсулотни катта хажмда сақлашда ўлчами белгиланади. Харажат манбаи ҳамда транспортга келадиган йўл инобатга олинади. Уюм ва хандоқлар асосий йўлларга яқин жойлаштирилади.

Уруғлик мақсадида сабзаёт ва картошкани сақлашга мўлжалланган уюм ва хандоқлар хосил йиғиладиган ва экиладиган майдонга яқин жойланиши лозим. Жойни режаларга энг маъсулятли масала йўллариши тўғри белгилаш ҳисобланади. Йўлларни асосан, ён томондан, ҳар икки қатордан кейин 6 м қолдирилади.

Уюм ва хандоқларнинг ўлчамлари ва хажми асосий кўрсаткичдир. Кўп йиллик ишлаб чиқариш тажрибалари асосида сабзаёт турлари хусусиятлари ва минтақанинг иқлими шароитига мослаб, Маълум ўлчам чекланишлари юзага келади.

Уюм ва хандоқлар ўлчамлари танлашда 9-жадвал маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

Сабзавот тўпламларининг хажмини билиб, уюм хандоқларни хажми осон ҳисобланади. Қуйидаги асосий сабзавот тўпламининг ўртача хажми бирликлари тўғрисида маълумот берилган (кг, метр куб);

Картошка 650-700;

Карм 450-500;

Лавлаги 550-600;

Пиёз 550-600;

Сабзи (қум уюмсиз) 570-600; сабзи (қум аралаш)400 доимий бўлмаган омборларнинг ёпилиши маҳсулотни музлашдан эҳтиёт қилишдир. Қиш қанчалик қаттиқ келса омборларни кўмиш шунчалик қалин бўлиши керак.

Минтақа ва туман	Январдаги ўртача ҳарорат (°C)	Уюмлар (м)			Хандақлар (м)		
		кенлиги	чуқурлиги	Жойланиш баландлиги	кенлиги	чуқурлиги	Жойланиш баландлиги
Жанубий	-2гача	1,0-1,2	0,2	0,6	0,8	0,6	0,8
Ғарбий ва жанубий	-4 дан -6 гач	1,5-2,0	0,2	0,8	0,8	0,6	0,8
Ўрта ва шимолий ғарбий	-5 дан -8 гача	2,0-2,5	0,2-0,5	1-1,2	0,8	0,6	0,8
шимолий	-9 дан -20 гача	2,0-2,5	0,2-0,5	1-1,2	1,0	0,8	1,0

Шунингдек, жанубий туманларда хашак озроқ ёки умумий ишлатилмаслиги мумкин. Аммо шамол ва шарққа уюмлашган сари хашакдан асосий иссиқ сақловчи сифатида фойдаланиш миқдори ортиб боради. Уюм ва хандоқларнинг ёпиш қалинлиги 10-жадвалда келтирилган.

Уюм ва хандоқларнинг тавсия этиладиган ёриш қалинлиги, 10 жадвалда келтирилган

Уюм ва хандақларни тавсия этиладиган қалинлиги, т

минтақа	Картошка, илдиз мевалар			
		Пуштаси	Асоси	
	Хашак	тупроқ	хашак	тупроқ

Жанубий	0-0,1	0,3-0,4	0-0,1	0,4-0,6
Ғарбий ва жанубий-ғарбий	0,1-0,3	0,3-0,4	0,3-0,4	0,4-0,7
Ўртава шимолий-ғарбий	0,2-0,3	0,4-0,6	0,5-0,9	0,6-0,8
		карам		
Жанубий	-	0,4	-	0,6
Ғарбий ва жанубий-ғарбий	0,1-0,2	0,2-0,3	0,1-0,3	0,6-0,8
Ўрта ва шимолий-ғарбий	0,1-0,2	0,3-0,4	0,-0,6	0,5-0,6

Такомиллаштирилган уюм ва хандоқлар. Оддий уюм ва хандоқларнинг кўпчилиш-иш хажмининг юқорилиги, Сақлаш режимини бошқариб туришнинг қийинлиги ҳамда хажм етишмаслиги, кўринча такомиллаштириш йўллари йўлашга ундайди.

Нисбатан оддий уюм ва хандоқлар қуйидаги тузилишда бўлади. Яъни уюм ва хандоқлар доимий, бир неча йил давомида фойдаланиш имконини берадиган усти ёпиқ қилиб барпо этилади.

Бунинг учун патлованинг ўртасидан ҳар, 1,5-2 метр оралиғида 1,2-1,5 метрли, диаметри 10-15 см келадиган устунлар қўйилади. Устунларнинг пасткитомонига 0ч ёки бутун суртилади. Шундан кейин устунлар тахтачалар билан оралаб қорақағоз билан ёпилади. Ундан сўнг иссиқлик ўтказмайдиган сомон, торф ёки қаниқ солиниб, тупроқ тортилади. Одатда, доимий ёпиқ уюм ва ха бир неча марта каттароқ ўлчовда барпо қилинади бунда шамоллатиш тизими одатдагидек бўлади.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг намлигини аниқлаш.

Намлик кўрсаткичи хом ашё, яримтайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулотларнинг сифатини баҳолашда ўта муҳим ҳисобланади. Объектдаги намлик миқдорини. Билиш энг аввало, унинг энергетик қийматини аниқлаш учун зарур. Маҳсулотда сув миқдори ҳам шунчалик унинг бирлик массасига тўғри келувчи фойдали қуруқ моддалар, миқдори ҳам шунчалик кам бўлади. Маҳсулотдаги юқори ёки паст намлик, нафақат ундаги қуруқ моддалар миқдорини, шунинг биланбирга, Уни сақлаш ва қайта ишлашда яроқлилиги билинмайди. Меъёрдан юқори намлик, жумладан маҳсулотнинг чиқариш ва парчаланишни келтириб чиқарувчи микроорганизмлар ривожланишига кўмаклашади, ундаги ферментатив кимёвий ва бошқа жараёнларни тезлаштиради. Шунинг учун ҳам объектдаги намлик миқдори уни сақлаш шароити ва муддатини белгилайди.

